

Муфтий ҳазратларининг ёш диний соҳа ходимларига мурожаатномаси етказилди



12:59 133

30 июнь – **“Ёшлар куни”** муносабати билан Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг Диний идора тизимида хизмат қилаётган ёшларга мурожаатномаси Қорақалпоғистон муслмонлари қозиёти, Тошкент шаҳри ва вилоятлар вакилликлари мутасаддилари томонидан ҳудудларда диний соҳада меҳнат қилаётган ёшларга ўқиб эшиттирилди.

Мурожаатномада сўнгги йилларда мамкатимизда баркамол авлодни қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш борасида кенг кўламли ишлар қилинаётгани, ўз навбатида, келажагимиз ворислари ҳам бундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда кўплаб ютуқларга эришаётгани таъкидланган.

Шунингдек, динимизда навқирон ўғил-қизларга катта эътибор қилингани, бу борада ояту карима, ҳадиси шарифлар борлиги қайд этилиб, фарзандларимизни илму маърифат эгаллаш, она Ватан равнақи ва муборак динимиз ривожига йўлида собитқадам бўлишга чақирилган.

Ўтказилган тадбирларда 30 июнь – **“Ёшлар куни”** муносабати билан вакилликлар томонидан ёшларга эсталик совғалари топширилди ва

дастурхон ташкил этилди.